

## ИСЛОМ МОЛИЯСИННИГ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АФЗАЛЛИКЛАРИ

Вафоқулова Лолаҳон Баҳрамовна

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7472844>

**Аннотация:** Мазкур мақолада ислом молиясининг афзалликлари унинг Ўзбекистонга қўшни давлатларда мавжудлиги масаласи ёритилган.

**Аннотация:** В данной статье описываются преимущества исламских финансов и их существование в странах-соседях Узбекистана.

**Annotation:** This article describes the benefits of Islamic finance and its existence in neighboring countries of Uzbekistan.

**Таянч сўзлар:** ислом молияси, фоиз, рибо, майсир, ғарар, харом.

Ўзбекистонга ислом молияси керакми деган саволга ҳуқуқшунос сифатида ҳам шу давлат фуқароси сифатида жуда ҳам зарур деб айта оламан. Чунки, бу биринчидан банклар ўртасидаги рақобатни пайдо қилиб, анъанавий банклардаги кредит фоизлари миқдорининг пасайишига олиб келади.

Иккинчидан, ислом молияси шаъриат нормаларига асосланганлиги сабабли берилган пул маблағи учун фоиз олишни таъқиқлади. Ўзбекистоннинг 95 фоиз аҳолиси мусулмон<sup>1</sup> бўлганлиги сабабли шаръий ҳукмларга амал қилишга ҳаракат қиласидаги аҳоли учун ислом молиясининг шерикчилик таклифлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, ислом молияси бўйича битим шерикчиликка асосланганлиги сабабли пул маблағи берган ислом банки ёки ислом молия ташкилоти тадбиркорлик фаолиятининг натижаси бўлган фойда ва заарга шерик бўлади. Берилган пул маблағи қарз эмас, шерикчилик ҳиссаси сифатида қўшилиб, тадбиркорлик фаолияти тўлиқ йўлган қўйилиганидан сўнг олинган соғ фойдага шерик бўлади. Демак, ўзи-ўзидан кўриниб турибдики, ислом молия ташкилоти тадбиркорлик субъектининг бизнес режасини асосли эканлигини текшириш билан бирга унинг фаолияти йўлга қўйилиши учун ёрдам беради.

Бундан ташқари, муддатида тўлаб берилмаган пул маблағи қарз сифатида қаралса-да,ammo фоиз ҳисобланмайди. Албатта, бу адолатли келишув ҳисобланади.

Ислом молияси анъанавий молиядан ўз фалсафаси ва миссияси билан фарқ қиласи.

Ислом молиясининг асосий тамойиллари:

<sup>1</sup> “Трастбанк”: “Исломий дарча” тамойилининг биринчи босқичи бошланди.  
<https://kun.uz/14758420?q=%2F14758420>

- Пул фақат айирбошлаш воситаси бўлиб, уни айирбошлаб бўлмайди.
- Қарзни сотиш мумкин эмас.
- Амалга оширилган операциялар ҳақиқий активлар билан таъминланиши керак.
- Иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар шериклик ёки лизинг ёхуд таваккалчилик ва зарарни тақсимлаш асосида савдо қилиш асосида қурилиши керак.

Ислом молиясида қабул қилинган:

Рибо - судхўрликни таъқиқлаш (масалан, қарз фоизлари ёки тўловни кечиктирганлик учун жарима).

Ғарар - маълумотни яширишдан келиб чиқадиган ноаниқликни таъқиқлаш (шартномада кўрсатилган товарнинг аниқ нархини аниқламасдан ёки харидорнинг товарни текшириш имкониятига эга бўлмаган товарларни сотиш).

Майсир - қимор ўйнашни таъқиқлаш.

Ҳаром - шариатга кўра таъқиқланган фаолиятни молиялаштиришни таъқиқлаш (алкогол, тамаки маҳсулотлари ва бошқалар).

Мен ислом молияси ва унинг инструментларини ўрганаар эканман, ислом молияси ривожланиб келаётган давлатлар ва унинг аҳолисини қўллаб-қувватлаш учун самарали молиявий фаолият эканлигини, унинг шартлари адолатли бўлиб, қарз олувчи ва берувчи учун ҳам мақсадга мувофиқ ва биргаликда фойда кўришга йўналтирилган эканлигиининг гувоҳи бўлдим. Бу эса, айни дамда Ўзбекистон учун яхши ҳамкорлик бўлиши мумкин.

Ислом молиясининг Ўзбекистонда қўлланилиши учун халқнинг тадбиркорлик салоҳияти етарли, фақатгина бу муносабатларни тартибга соладиган қонун нормаси мавжуд эмас холос.

Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар: Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг ислом молиясини қўллаш амалиётини ўрганганим.

Қозоғистонда бугунги кунда ислом банки ва молиявий фаолияти ўйлга қўйилган. Ҳозирда ислом молиясига асосланган 2та: Al Hilal и Заман-банк<sup>2</sup> лари фаолият юритади. Шунингдек, Қозоғистон Республикасининг “Қозоғистон Республикасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Конунига ислом банкларини ташкил этилиши ва фаолияти бўйича

<sup>2</sup> Финансы халял. Почему исламский банкинг не развивается в Казахстане. <https://informburo.kz/stati/finansy-xalyal-posemu-islamskii-banking-v-kazaxstane-tak-slabo-razvit>

алоҳида 4.1 боб киритилган<sup>3</sup>. Шунингдек, “Астана” Халқаро молия маркази фаолият юритади.

Қирғизистон Республикасида ислом молиявий хизматларини амалга оширувчи, Қирғизистон Марказий банкидан тегишли лицензияга эга бўлган “Ислом Молиявий Маркази-ИФЦ” – фаолият юритади<sup>4</sup>. Бундан ташқари, давлатнинг “Қирғизистон Республикасининг Миллий банки тўғрисида”ги Қонунида Қирғизистон Республикасида шаъриат нормалари асосида фаолият юритувчи ислом банкларининг мавжуд бўлиши назарда тутилган<sup>5</sup>.

Тожикистон Республикасида ислом банклари фаолияти аллақачон йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳам қабул қилинган<sup>6</sup> бўлиб, ислом банклари фаолиятини ҳисобга олган ҳолда 2022 йилда солиқ қонунчилигига тузатиш киритилган<sup>7</sup>. Ҳозирда, Тожикистонда “Тавхидбанк” ОАЖ -ягона ва биринчи тўлиқ ислом банки фаолият қўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ҳам ислом молияси ва банк фаолиятини қўллаш юзасидан таклифлар мавжуд бўлса-да, аммо бугунги кунда юқоридаги давлатлардаги каби унинг фаолиятига рухсат бериш юзасидан қонун мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳозирда, фақатгина ислом дарчалари фаолият қўрсатмоқда. Биз келгусида, Ўзбекистон Республикасининг банк ва солиқ муносабатларини тартибга соладиган қонунчиликка ислом молияси ва банкининг фаолият юритиши бўйича рухсат берилишидан умидвормиз.

### Foydalanaligan adabiyotlar:

1. Закон Республики Казахстан от 31 августа 1995 года, № 2444 “О банках и банковской деятельности в Республике Казахстан”.
2. Конституционный закон Кыргызской Республики от 11 августа 2022 года № 92, “О национальном банке Кыргызской Республики”.
3. Закон Республики Таджикистан от 26 июля 2014 года №1108, “Об исламской банковской деятельности”.
4. “Трастбанк”: “Исломий дарча” тамойилининг биринчи босқичи

<sup>3</sup> Закон Республики Казахстан от 31 августа 1995 года, № 2444 “О банках и банковской деятельности в Республике Казахстан”.

<sup>4</sup> <https://ifcenter.kg/>

<sup>5</sup> Конституционный закон Кыргызской Республики от 11 августа 2022 года № 92, “О национальном банке Кыргызской Республики”.

<sup>6</sup> Закон Республики Таджикистан от 26 июля 2014 года №1108, “Об исламской банковской деятельности”.

<sup>7</sup> <https://tj.sputniknews.ru/20220601/tajikistan-finansovaya-sistema-1048835845.html>.

бошланди. <https://kun.uz/14758420?q=%2F14758420>.

5. Финансы халял. Почему исламский банкинг не развивается в Казахстане. <https://informburo.kz/stati/finansy-xalyal-pocemu-islamskii-banking-v-kazaxstane-tak-slabo-razvit>.

6. <https://tj.sputniknews.ru/20220601/tajikistan-finansovaya-sistema-1048835845.html>.

7. <https://ifcenter.kg/>.